

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 910-ҳадис

910 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عُودُوا الْمَرِيضَ، وَأَطْعِمُوا الْجَائِعَ، وَفَكُّوا الْعَانِيَّ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [3046].

(الْعَانِي): الْأَسِيرُ.

910. Абу Мусодан розияллоху анху ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Беморни бориб кўринг, очни тўйдилинг ва тутқунни - яъни асирни - озод қилинг», деб айтдилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда мусулмонлар ўзларининг бир-бирлари билан бўладиган ижтимоий алоқаларида алоҳида эътибор беришлари лозим бўлган энг муҳим учта масала зикр қилинмоқда;

1. Беморни кўргани бориш.

Бу ҳам мусулмонлар орасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлайдиган, муҳаббат ришталарини пишиқлайдиган омиллардан биридир. Беморнинг кўнгли нозиклашиб, бировнинг далдасига, дуосига, ҳол сўрашига интиқ бўлиб қолади. Ана шундоқ пайтда мусулмон кишилар уни бориб кўрмоқлари, ҳолини сўрамоқлари, ҳақиқа дуо қилмоқлари матлубдир.

2. Очни тўйдириш.

Уйда таом тайёрлаб оч қолган кишиларни таомлантириш савобли иш экани.

3. Асирни озод қилиш.

Мусулмонлардан бирор кишининг асир тушиб қолиши қолганлар учун

мушибатдир. Озодликдаги барча мусулмонлар ўша асирни озод қилиш учун ҳаракатда бўлмоқлари вожиб бўлади. Бу уларнинг бошга оғир иш тушганда бир-бирларига ёрдам беришга шошилишлари жумласидандир. Шу билан мусулмонларнинг ижтимоий алоқалари яхшиланади. Шу билан бир-бирларига нисбатан масъулиятлари ортади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI